

## КИЧИК БИЗНЕСДА МАҲСУЛОТ ВА СЕРВИСЛАР РЕКЛАМАСИДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Б.Хурсаналиев, Р.Аширалиев\*

**Аннотация:** Ушбу мақола тўплами кичик бизнес учун ижтимоий медиа ҳақида умумий маълумотни, шунингдек муайян тармоқлардан кичик бизнес учун имкон қадар самарали фойдаланиш, ҳамда уларнинг ўртача нархи тўғрисида маълумот беради.

**Калит сўзлар:** Реклама, маркетинг, тармоқ маркетинги, SMM, PR, ижтимоий тармоқлар.

Кичик бизнес эгаларининг аксарияти ўз бизнесининг барча йўналишларини қамраб олиши билан банд бўлиб, уларда ижтимоий тармоқларга сарфлаш учун қўшимча вақт йўқ. Шунинг учун маркетинг режасини тузиш, ижтимоий медиа фаолиятингиз учун мақсадларни белгилаш ва иштирок этишни режалаштираётган ҳар бир тармоқ ҳақида кўпроқ ўрганиш жуда муҳим, шунинг учун сиз ўрганишнинг эгри чизигини камайтириш ва вақтни сарфлашдан қочишингиз керак. Ижтимоий ахборот воситалари саҳнада янги бўлган кичик бизнес эгаларига жуда таъсир қилиши мумкин, чунки жуда кўп ижтимоий тармоқлар мавжуд ва бизнесингизни тарғиб қилиш учун улардан фойдаланишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шунингдек, сизнинг бизнесингизда ижтимоий медиа воситаларидан фойдаланиш учун жуда кўп миқдорда ресурс мавжуд. Бу ёрдам бериши, ёки кўпроқ чалкашликка олиб келиши мумкин<sup>1</sup>.

Реклама (лот. рекламо — қичқирмоқ) — товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот

\* Хурсаналиев Бобурмирзо Фарҳоджон ўғли. Қўқон Университети Бизнес кафедраси ўқитувчиси.

Аширалиев Рўзали Сайдали ўғли. Қўқон Университети талабаси

## “Ilm-fan muammolari magistrantlar talqinida” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

tўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот. Реклама маркетингнинг таркибий қисми ҳисобланиб, талаб ва истеъмолчилар дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Реклама корхона имижини яратиш (узоқ даврли таъсир кўрсатиш), жорий сотиш ҳажмини кўпайтириш (қисқа даврли таъсир кўрсатиш), харидорларга нима сотиб олишни ва уни нима учун сотиб олиш зарурлигини ҳал қилишда ёрдамлашиш ва бошқа мақсадларда олиб борилади. Рекламанинг асосий вазифаси — харидорни қизиқтириш, мижоз харидорларни йўқотмаслик ва уларни кенгайтиришга қаратилади<sup>2</sup>.

Энди сизни ижтимоий тармоқлар орақали ҳаммамиз билган Телеграм тармоғида бугунги кунда, энг оммабоп каналлар рўйхати ва маҳсулот рекламаси нархлари билан таништириб ўтамиз. Бу маълумотлар янги тадбиркор учун ўз маҳсулотига харидорларни жалб қилишда жуда хам фойдали ҳисобланади.

### Нега айнан телеграм?

- Дунёдаги энг тез ўсиб бораётган мессенжер
- Ўзбекистонда 18 миллиондан зиёд актив фойдаланувчилар
- Турли тоифадаги фаол аудитория (12 ёшдан 65 ёшгача)<sup>4</sup>
- Фойдаланувчиларнинг содиқлиги
- Рекламанинг юқори самарадорлиги
- Мавзуга оид каналларни танлаш имконияти
- 20% дан 80% гача бўлган қамров<sup>3</sup>.

Қуйида сиз Ўзбекистонда турли соҳаларда очилган каналларнинг реклама нархлари ҳақида маълумотга эга бўласиз.

T /r	Kanallar	Kanal turi	Obunachilar soni	Bi r kunlik qamrov	Narx (so'm)
<b>Tanqidlarga asoslangan kanallar</b>					
1	TROLL.UZ	Tanqid/Yumor	80 000	50 000	4 000 000
2	NOBODY_CARES_BUT	Tanqid	8 000	6 000	2 500 000

**“Ilm-fan muammolari magistrantlar talqinida” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi**

3	MAKARENKO_CHANNEL	Tanqid	13 000	6 000	2 400 000
4	MUHRIM	Tanqid	12 000	6 000	1 700 000
5	SHAHNOZXON	Tanqid	6 000	4 000	1 400 000
6	NURBEKALIMOV	Tanqid	26 000	20 000	790 000
7	HAMZAJUMAYEV	Tanqid	6 000	5 000	900 000
8	PLATFORMAUZB	Tanqid	14 000	7 000	900 000
9	ZAMBARAKNING_OQI	Tanqid	13 000	6 000	900 000
10	THE_BAKIROO	Tanqid	14 000	7 000	850 000
11	OCHIQ_TANQID	Tanqid	13 000	6 000	830000
12	ASANOVELDAR	Tanqid	9 000	4 000	800 000
13	DIYORIMAMKHODJAEV	Tanqid	14 000	8 000	750 000
14	IQTIBOSLAR	Tanqid	9 000	4 000	750 000
15	VSEBUDETHOROSHO	Tanqid	4 000	2 000	400 000
<b>Ta'lim sohasidagi kanallar</b>					
16	XUSHNUDBEK	Ta'lim	268 000	130 000	2 900 000
17	DAVLETOVUZ	Ta'lim	55 000	30 000	2 700 000
<b>Yangiliklar va yangi qarorlar</b>					
18	NOZIMSAFARI	Yangiliklar	19 000	11 000	1 100 000
19	YURIST MASLAHATI	Qonun	35 000	20 000	1 000 000
20	BAYONOTUZ	Qonun	13 000	5 000	800 000
<b>Biznes va reklama kanallari</b>					
21	Foydali LINK	Reklama	215 000	50 000	1 000 000
22	BANK_KREDITLARI	Biznes	14 000	6 000	950 000
23	BANKMIJOZ	Biznes	35 000	20 000	900 000
24	BANKKIRKUNDALIGI	Biznes	25 000	14 000	900 000
25	FRIDAYMARK	Marketing	2 300	1 500	600 000
<b>Tibbiyot va sport kanallari</b>					

**“Ilm-fan muammolari magistrantlar talqinida” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi**

26	REAL MADRID(TG)	Sport	315 000	35 000	400 000
27	MMA UFC UZ	Sport	75 000	33 000	350 000
28	Transferlar 2021 (Rasmiy kanal)	Sport	100 000	17 000	200 000
29	TIBBIYOT	Tibbiyot	59 000	12 000	100 000
<b>Ko'ngilochar kanallar</b>					
30	Кино и Фильмы	Kino/Multifilm	240 000	30 000	450 000
31	*Davringnisur *	Musiqa	200 000	20 000	350 000
32	Қайнок лавҳалар	Yumor	260 000	18 000	200 000
33	MUSIC 2021	Musiqa	120 000	28 000	180 000
34	Prikol TV  Прикол ТВ	Yumor	38 000	18 000	150 000
35	SIZ BILASIZMI	Qiziqarli faktlar	114 000	12 000	150 000
36	Chop-Chop	Yumor	86 000	12 000	140 000
37	UZFACT	Qiziqarli faktlar	37 000	11 000	110 000
38	Movies in English	Kino/Multifilm	18 000	5 000	50 000
39	XAZILKASH_TV	Yumor	38 000	5 000	50 000
40	TOP FAKTLAR	Qiziqarli faktlar	11 000	9 000	45 000

Бу жадваллардаги нархлар канал администраторлари томонидан тайинланган. Бунга сабаб эса юқорида айтиб ўтилди. Каналдаги нархларни ўзгартириш имконияти ҳар доим канал эгасида бўлади<sup>5</sup>.

Юқоридаги жадвалларда энг баланд нарх 4 000 000 сўмни ташкил қилса энг паст нарх 45 000 сўмни ташкил этади. Бундан кўришиб турибди-ки тадбиркор учун танлов имкониятлари кенг яратиб берилган. Танқидга асосланган каналлар кўп лекин тақдим этилаётган 15 та каналлар кўпчиликка жуда яхши таниш блогерлар томонидан очилган ва улар ҳар бир қарор борасида муҳокама ўтказишади. Одамлар ҳам уларни нима деркин деб кутишади. Шу сабабли нархлар ҳам баланддир.

## “Ilm-fan muammolari magistrantlar talqinida” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

Таълим учун ажратилган 2 та каналдаги фойдаланувчиларнинг асосий қисми ўқувчи ёшлар, абитуриентлар, талабалар бўлганлиги сабабли маълумот тарқалиши максимал деса ҳам бўлади.

Шу ўринда такидлаш жоизки **Foydali LINK** номи билан юритилаётган канал ҳам юқоридаги каналлардан қолишмаган ҳолда аҳоли қамровини кундан кунга эгалламоқда<sup>3</sup>. Бунга сабаб ҳар қандай сиз учун фойдаси тегадиган сайт, бот, каналлар рекламаси айнан шу каналда амалга оширилади. Ҳозирда ушбу каналнинг кунлик “просмотр” лар сони 50 000 дан кам эмас.

Ҳар қандай тадбиркор ўз бизнесини бошлаши билан ҳамкор ва харидор топишга уринади. Шу сабабли харидорни жалб қилиш учун рекламага мурожат қилади. Юқоридагилар эса тадбиркор учун энг тўғри танловлардан бири бўлади. Бунда тадбиркордан маҳсулотини сифати ва унинг нархи мижозларнинг кўпайишига ёрдам беради. Албатта, сифатли товар ва сифатли реклама бизнеснинг ривожини таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Молиявий ва бошқарув тахлили” А.В.Вахобов Дарслик-2016
2. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” Д.Э. Норбеков. Ўқув қўлланма-2018
3. <http://uzinterbiz.com/>
4. <http://tg.segroup.me>
5. <http://www.texnoman.uz>
6. <http://uz.infocom.uz/>
7. <https://uz.wikipedia.org/>